

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 32 (1304) • 2019 йил 6 август

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Модернизациялаш тугагандан кейин АВ амортизацияси қандай ҳисобланади?

3-бет

Ижарага берувчининг солиқлари

4-бет

ҚҚС: ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш

7-12-бетлар

Бинонинг баҳолаш қиймати мол-мулк солиғини ҳисоблашга асосми?

13-бет

Бино дивиденд ўрнида берилишининг бухгалтерия проводкалари

14-бет

Божхона почтасида қандай савол бор?

15-бет

ҚҚС СТАВКАСИ ПАСАЙТИРИЛИШИДАН КИМ ЮТАДИ

16-бет

Таҳлил, тахмин ва тадқиқ

16-бет

✓ ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Президентимизнинг 2019 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида истиқлол туфайли мамлакатимиз ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бораётгани таъкидланади.

Дарҳақиқат, мустақиллик – бугун биз эришган юксак марраларга қанот бағишлаган куч. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўнасида бўй кўрсатиб турган озод ва обод Ватан манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис халқимиз ҳар йили энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ўзгача шуқуҳ, кўтаринки кайфият билан кутиб олади. Шу маънода ўтган давр мобайни-



Сурат «СБХ» архивидан олинди.

да босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ ишлардан.

Айниқса сўнгги йилларда олиб борилган кенг қўламли ислохотлар нати-

жасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустақамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди, жамиятимизда тинчлик ва оқойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити кучайтирилди, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича

2-бетда

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МУТАСАДДИЛАР ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИНГ НАРХИ ОШИРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРДИ

2019 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларни ўзгартириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, уни қабул қилишнинг объектив сабаблари, қарорнинг иқтисодиётга, одамларнинг турмуш даражасига бўлган таъсири ҳусусида тўхталиб ўтилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Молия, Энергетика вазирликлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятлари мутасаддилари ишгирок этиб, энергия ресурсларининг нархи оширилиши билан боғлиқ саволларга жавоб берди.

Мутахассислар изоҳига кўра, тарифларни ошириш ички бозордаги нархларни жаҳондагига яқинлаштириш эмас, балки корхоналарнинг зарарига ишлагандан, давлат ёрдами-сиз, мустақил равишда, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги учун стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришига эришиш чорасидир.

Ҳозирги кундаги нархлар билан ушбу соҳаларга хусусий инвесторларни жалб қилиб бўлмайди. Бу тарифларни зарар кўрмаслик нуқтасигача ошириш зарурлигини яна бир бор исботлайди, буни амалга ошириш ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга сармоа киритишга имкон беради.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 июлдаги қарори билан деярли барча ёқилғи-энергетика ресурслари нарх ва тарифлари ўртacha 18 фоиз ошириш белгиланди. 15 августдан бензин, дизель ёқилғиси, табиий ва сувоқтирилган газ, кўмир, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви тарифлари оширилиши режалаштирилмоқда.

Бензин – Аи-80 – 4500 сўм (ҳозир – 4 000 сўм), дизель ёқилғиси – 5 400 сўм (ҳозир 4 800 сўм), газ – аҳолига етказиб берилаётган 1 метр куб табиий газнинг баҳоси ҳисоблагич бўлганда 380 сўм (ҳозир – 320 сўм), ҳисоблагич-сиз овқат пишириш ёки совуқ сувни иситиш учун ишлатиладиган газнинг

нархи 660 сўм (ҳозир – 553 сўм), хонани иситиш учун эса 380 сўм (ҳозир – 320 сўм) этиб белгиланмоқда.

Маиший истеъмол учун аҳолига сотилаётган бир килограмм сувоқтирилган газ нархи ҳозирги 950 сўм ўрнига 1 120 сўм бўлади. Маиший истеъмолчилар учун 1 кВт/с электр энергияси нархи 250 сўмдан 295 сўмга оширилса, бошқа тоифадаги истеъмолчилар учун 450 сўмга кўтарилмоқда.

Аванс тўлов муддати ҳам 12 ойдан 6 ойгача туширилди. Кейинчалик ушбу давр 2 ойдан ортик бўлмаган муддатга қисқартирилади (ҳозир – 6 ой). Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун 15 августдан иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация хизматларига «фронтбеллиги таъминланиши ҳисобга олинган ҳолда» янги тарифлар жорий этилиши белгиланди.

– Кенг жамоатчилик орасида нархлар 5 баробар ошди деганлар ҳам бўлди, – деди молия вазири Жамшид Кўчқоров. –

Бозор иқтисодиётида тош-тарози тўғри бўлиши керак. Нарх-наво эркин бўлиши лозим. Нархнинг ошиши табиий жараён. Бу ҳеч бир вазирлик, ташкилотнинг ҳоҳиши билан бўлмайди, аксинча, бозор талаби.

? Ускунанинг тиклаш қиймати – 1 млн сўм, хизмат муддати – 5 йил, жамғарилган эскириш – 800 минг сўм, модернизациялаш харажатлари суммаси – 500 минг сўм.

Модернизациялаш тугатилганидан кейин қуйидаги 2 кўрсаткич ўзгаради:

1) унумдорлик яхшиланади, бироқ хизмат муддати ошмайди;

2) унумдорлик ўзгармайди, хизмат муддати 2 йилга ошади. Модернизациялаш тугатилганидан кейин ускуна амортизацияси қандай ҳисобланади?



АСОСИЙ ВОСИТАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

- Асосий воситаларни реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта курулантиришга доир харажатлар, улар тугатилганидан сўнг, натижада фаолият юриштирининг дастлаб қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва х.к.) яхшиланса (ошса), бундай объектининг бошланғич қиймати ҳам ошади (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 23-банди).

Бундай АВ бўйича ишга тушириш чоғида аниқланадиган уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати амортизацияланадиган қиймат ҳисобланади.

Реконструкция қилиш, модернизациялаш ишлари тугатилганидан сўнг фойдаланишга киритилган АВ учун фойдали хизмат муддати ушбу ишлар тугатилганидан сўнг у фойдаланишга киритилган пайдан бошлаб корхона томонидан АВдан фойдаланиладиган давр ёки корхона ушбу АВни қўллашдан олишни кутаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори ҳисобланади (5-сон БҲМСнинг 3-банди).

МИСОЛ

- Ускунанинг тиклаш қиймати – 1 000 минг сўм;
- фойдали ишлатиш муддати – 5 йил;
- қўлланиладиган амортизация усули – тўғри чизиқли;
- модернизациялаш бошланганда 4 йиллик фойдаланиш давомида жамғарилган эскириш – 800 минг сўм;
- модернизациялаш пайтига қолган фойдаланиш муддати – 1 йил;
- қайта баҳолаш сальдоси – 100 минг сўм;
- модернизациялаш харажатлари суммаси – 500 минг сўм.

Модернизациялаш бўйича барча ҳақиқий харажатлар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича жамланади (Йўриқноманинг 74-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова). Счёт сальдоси асосий воситалар объектларининг бошланғич (тиклаш) қийматига қуйидаги провводкалар билан киритилади:

Дт 0100-«Асосий воситалар»

Кт 0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» (500 минг сўм).

Шу тариқа, капитал қўйилмалардан кейин тиклаш қиймати 1 500 минг сўмни (1 000 + 500) ташкил қилади. Капитал қўйилмалардан кейинги амортизацияланадиган қиймат – 700 минг сўм (1 500 – 800).

2 та вазиятни кўриб чиқамиз.

1 Модернизациялаш тугатилганидан кейин асосий воситанинг унумдорлиги ошди, бироқ хизмат муддати кўпаймади.

Эскириш қолган фойдаланиш муддати – 1 йил давомида амортизацияланадиган қийматга ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг электрон дастурида капитал қўйилмалардан кейин фойдаланишга тушириладиган санага йиллик амортизация нормасини – 100% белгилаш мумкин.

Ҳар ойлик амортизация суммаси 58,33 минг сўмга (700 / 12 ой), бир йилда жамғарилган амортизация суммаси 700 000 сўмга тенг.

Ҳар ойлик амортизация суммаси 19,44 минг сўмга (700 / 36 ой), бир йилда жамғарилган эскириш – 233,33 минг сўмга тенг.

2 Модернизациялаш тугатилганидан кейин АВ хизмат муддати 2 йилга кўпайди, бироқ унумдорлиги ўзгармади.

АВнинг капитал қўйилмалардан кейинги фойдали хизмат муддати 3 йилга (1 + 2) тенг. Капитал қўйилмалардан кейин йиллик амортизация нормаси 33,33%га (100 / 3) тенг бўлди.

Ҳар ойлик амортизация суммаси 58,33 минг сўмга (700 / 12 ой), бир йилда жамғарилган эскириш – 233,33 минг сўмга тенг.

ЭИЗ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ИМТИЁЗ

? ҚҚС (20%) тўлайдиган корхона «Ургут» ЭИЗ иштирокчиси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш учун хом ашё импорт қилинади. БЮДда ҚҚС тўлаш бўйича имтиёз кўрсатилади, «Тўловсиз» деб қайд этилади. Корхона божхона тўловлари бўйича имтиёз мавжудлиги сабабли импорт чоғида тўланмаган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақлими?

– Товарлар импорт қилинганда ҚҚС тўлашдан озод этиш тарзида бўлган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарт билан имтиёз берилган бўлса, бундай ҚҚС ҳисобга олинади (Солиқ кодексининг 218-моддаси 1-қисми 3-банди). ҚҚСдан озод этиш мақсадсиз тусга эга бўлганда ҳисобга олинмайди.

«Ургут» ЭИЗ иштирокчиларига солиқлар ва божхона тўловларидан озод этиш тарзида имтиёзлар тақдим этилган. Бунда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш бўшаб қоладиган маблағларни қуйидагиларга мақсадли йўналтириш учун тақдим этилади (26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармоннинг 3-банди; 12.01.2017 йилдаги ПФ-4931-сон Фармоннинг 6-банди):

- янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтиришга;

- ишлаб чиқариш биноларини қуришга;

- ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмларни, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган ҚҚС манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан.

«Ургут» ЭИЗ иштирокчиси мазкур имтиёз мақсадли бўлганлиги сабабли товарларни импорт қилганда тўланмаган ҚҚС суммасини ҳисобга олиши мумкин.

СЕРТИФИКАТЛАШ ХИЗМАТЛАРИГА ҚҚС

? Корхона – Ўзбекистон резиденти ЎзРга ускуна етказиб берадиган хоризжий юридик шахс – норезидентга сертификатлаш хизматларини кўрсатади. ЎзР божхона амборида бўлган, бироқ эркин муомала режимида расмийлаштирилмаган ускуна сертификатлаш бўйича норезидентга кўрсатилган хизматга ҚҚС солинадими?

– Хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳудуди бўлса, уларни реализация қилиш оборотларига ҚҚС солинади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 1-қисми). ЎзР ҳудудида олиб келинган ускуналарни сертификатлаш хизматлари кўрсатиш чоғида хизмат кўрсатувчи корхона ўз тадбиркорлик фаолиятини республика ҳудудида амалга оширилса, Ўзбекистон ҳудуди хизматларини кўрсатиш жойи деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 3-қисми).

Корхонангиз - Ўзбекистон резиденти ҳақиқатан ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш асосида республика ҳудудида жойлашган бўлиб, хизматлар кўрсатади. Бинобарин, сертификатлаш хизмати ЎзР ҳудудида кўрсатилганлиги сабабли, ускуна божхона амборига жойлаштирилган ва ҳали эркин муомала режимида чиқарилмаган бўлса ҳам хизматлар кўрсатишдан тушган тушумга ҚҚС солинади.



РЕКЛАМА

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»



Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этами

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

МОЛ-МУЛК ИЖАРАГА БЕРИЛГАНДА

? *Ижарага берувчи солиқ солишининг умумбелгиланган тизимида бўлса, ускунани ижарага беришдан олинган даромадларга қандай солиқлар солинади?*

– Мол-мулкни ижарага берувчи корхона шартномада белгиланган ижара ҳақини жами даромадга киритади (*Солиқ кодексининг 129, 132-моддалари*). Бунда мол-мулкни ижарага беришга оид харажатлар асосий воситалар учун – амортизация ажратмалари, автотранспорт учун – техник кўрик, кўчмас мулк ва бошқалар учун – мол-мулк солиғи бўлиши мумкин. Имтиёзлар ва чегиримайдиган харажатларга тузатишлар даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ **фойда солиғи** бўйича солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Мол-мулкни ижарага бериш асосий фаолият тури ҳисобланса, хизматлар (мисол учун амортизация, техник кўрик ва бошқа харажатлар) таннархи белгиланган ижара ҳақидан ошиб кетган тақдирда солиқ со-

линадиган база хизматлар таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (*Солиқ кодексининг 130-моддаси 5, 11-қисмлари*).

ҚҚС солиш мақсадида мол-мулкни ижарага беришга хизматлар сифатида қаралади (*Солиқ кодексининг 218-моддаси 8-қисми*). Ижарага беришдан олинган даромадлар солиқ солинадиган оборот деб эътироф этилади ва уларга **ҚҚС** ҳисобланади (*Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 5-банди*).

Шуни ҳисобга олиш лозимки, хизматлар таннархи (масалан, амортизация, техник кўрик ва бошқа харажатлар) белгиланган ижара ҳақидан юқори бўлса, солиқ солиш мақсадида **ҚҚС** бўйича солиқ солинадиган база хизматлар таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади (*Солиқ кодексининг 204-моддаси 2-қисми*).

ИМТИЁЗНИ ҚЎЛЛАШ МУМКИН ЭМАС

? *Фойда солиғини тўлайдиган корхона янги технологик ускуна ишга туширилган пайтдан бошлаб имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эга. Янги ускуна қиймати – 167,6 млн сўм. Янги ускунадан ташқари, бошқа барча АВлар бўйича бир йилдаги амортизация суммаси – 168,8 млн сўм. Янги ускуна бўйича бир йилда – 13,4 млн сўм. 2019 йил июлда янги ускуна ишга туширилди.*

Фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда амортизация суммаси бир йил учун ҳисобга олинандими ёки чорак учунми? Амортизация суммаси барча АВлар бўйича олинандими ёки фақат эндигина ишга туширилган янги ускуна учунми?

– Солиқ солинадиган фойда янги технологик жиҳоз харид қилишга йўналтирилмайдиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида **ҳисобланган амортизацияни** чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30%идан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади (*Солиқ кодексининг 159-моддаси 3-қисми*). Йил фойда солиғи бўйича солиқ давридри (*Солиқ кодексининг 162-моддаси*).

Солиқ кодексига амортизация бирор-бир АВлар рўйхати билан чекланмиш кўрсатилмаган. 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» счёти бўйича акс эттирилган бутун йиллик **амортизация суммаси имтиёзли суммадан чегирилади.**

Сизнинг мисолингизда:

- 2019 йилда ишга туширилган янги технологик ускуна қиймати – 167,6 млн сўм;

- 2019 йил учун барча асосий воситалар бўйича амортизация – 182,2 млн сўм (168,8 + 13,4).

Солиқ даври (2019 йил) учун амортизация суммаси янги технологик ускуна қийматидан юқоридир. **Фойда солиғи бўйича имтиёзни қўллаш олмайсиз.**

«Амортизация» тушунчасининг иктисодий мазмунини билиб олсак, ҳаммаси тушунарли бўлади. **Амортизация** – ишлаб чиқариш мақсадида асосий фондлар ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш жараёни. **Амортизациянинг асосий мақсади** – асосий ишлаб чиқариш фондларини кейинчалик тўлиқ тиклаш (реновация) учун зарур маблағларни жамғариш.

Шу тариқа, корхонагизда бир йил давомида асосий воситаларни янгилаш учун етарли маблағ жамланади.

? *Корхона алкоғолсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий фаолиятдан ташқари аҳолидан шиша идишларни қабул қиламиз. Аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун банкдан нақд пул оламиз. Жисмоний шахсга шиша идиш учун ҳақ тўлашда тўлов манбаи сифатида ЖШДС ишлаб қолишимиз лозимми?*

ШИША ИДИШ УЧУН ЖШДС




– Жисмоний шахсга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинмайдиган даромадларга солиқ солимайди (*Солиқ кодексининг 179-моддаси 11-банди*).

Жисмоний шахслар учун шиша идишларни сотиб олиш солиқ солимайдиган мулкий даромад ҳисобланади.

Тегишинча, шиша идишларни қабул қилиш пункти **жисмоний шахсларга** шиша идишлар учун пул тўлаш чоғида **ЖШДСни** ишлаб қолмаслиги лозим.

ЦИСТЕРНАЛАР – ИККИЛАМЧИ ИЖАРАГА

? *Корхонанинг асосий фаолият тури – мол-мулкни оператив ижарага бериш. Шунингдек у хорижий корхоналарга темир йўл цистерналарини хорижий валютага иккиламчи ижарага беради. Мол-мулкни иккиламчи ижарага беришдан тушум экспортга реализация қилинган ҳажмга тўғри келадиган фойда қисмида 15%дан ошиб кетса, фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш мумкинми?*



– **Ҳа, мазкур имтиёзни қўллаш мумкин.**

Иккиламчи ижара - ижарачи ижарага берувчининг розилиги билан, ижарага берувчининг олдида ижара шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мол-мулкни бошқа шахсга иккиламчи ижарага топширадиган шартнома муносабати (*АВ томонидан 24.04.2009 йилда 1946-сон билан рўйхатдан ўтказилган 6-сон БҲМСнинг 11-банди*).

Хорижий корхоналарга темир йўл цистерналарини иккиламчи ижарага бериб, корхонагиз экспортга

хизмат кўрсатади (*Солиқ кодексининг 22-моддаси*). Бунда цистерналар хусусий ёки ижарага олингани аҳамиятга эга эмас. Бинобарин, товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумда хорижий корхоналарга темир йўл цистерналарини иккиламчи ижарага беришдан тушум улуши 15%дан юқори бўлган тақдирда, экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришингиз мумкин (*29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармоннинг 1-банди*).

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»



электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

аҳоли ва бюджет ташилотлари учун амалдаги чакана нархлар 10 фоизга кўпайтирилган ҳолда янги нархлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда – кўрсатилаётган хизматлар рентабеллиги таъминлини ҳисобга олинган ҳолда иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация хизматларига тарифлар;

г) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда – шаҳар йўловчилар ташиш транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксилар бундан мустасно) йўловчилар ташиш хизматлари ва янги тарифлар белгиланиши таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

11. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль
633-сон.

**Қарорга 2-илова «СБХ»да берилмайд. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎзР ВМнинг
2019 йил 30 июлдаги 633-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўқилги-энергетика ресурсларининг
НАРХЛАРИ ВА ТАРИФЛАРИ**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ўлчов бирлиги учун нархлар ва тарифлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда сўм)
1.	Истеъмолчиларнинг I-IV гуруҳлари учун электр энергияси		
1.1.	Истеъмолчиларнинг I ва II гуруҳлари учун	кВт/соат	450
1.2.	Истеъмолчиларнинг III гуруҳи, шу жумладан, аҳоли учун	кВт/соат	295
1.3.	Истеъмолчиларнинг IV гуруҳи учун	кВт/соат	450
1.4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун	кВт/соат	450
2.	Куйидагиларга бериладиган табиий газ:		
2.1.	коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига, идоравий ва муниципал турар жой фондига, юридик шахсларнинг ётоқхоналарига ва аҳолининг газ таъминоти учун табиий газдан фойдаланиладиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ва иссиқ сув таъминоти ва турар жой биноларини иситиш учун – маҳаллий қозонхоналарга, газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда	куб м	380
2.2.	табиий газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига:		
	овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун	куб м	660
	иситиш учун	куб м	380
2.3.	автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияларига (шу жумладан, балансда автомобиль газ тўлдириш компрессор станциялари бўлган юридик шахсларга)	куб м	1 000
2.4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчиларга	куб м	1 000
2.5.	бошқа улгуржи истеъмолчиларга	куб м	660
3.	Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган табиий газ	кг	1 120

ORMA

**«КИЧИК ҚОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.Г.Имаржон кўч., 1/В

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz. web: www.norma.uz

СОЛИК 4
ВАБОЖХОНА

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»;
- «Ўқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «КАДАСТР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ НАРХЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДА
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА» 2014 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ 186-СОН ҚАРОРИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 5 апрелдаги ПҚ-4270-сон қарорининг ижроси юзасидан, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш хизматлари учун ҳақ олиш механизмининг тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 71-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 сентябрдан қучга киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, кар-

тография ва давлат кадастри давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д.Вахабов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июль
623-сон.

ЎзР ВМнинг 2019 йил 24 июлдаги 623-сон қарорига
ИЛОВА

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «КАДАСТР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ НАРХЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ
ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2014 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ
186-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

- Қарор номидаги «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича» сўзлари «Давлат кадастри соҳасида» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
«1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия,
- Илованинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан киритилган кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилаш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин».

**«КўЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ КАДАСТРИ СОҲАСИДА
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ НАРХЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ**

Т/р	Давлат хизматларининг номи	Ишлар нархи
1. Кўчмас мулк объектларининг нотураф бино ва ишоотларга оид қисмига кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш		
1.1.	Умумий майдони 100 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
1.2.	Умумий майдони 100 квадрат метрдан 1 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Объектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 фоизи, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 25.07.2019 йилда расман эълон қилинган ва 1.09.2019 йилдан қучга киради.

№ 32 (1304) • 2019 йил 6 август

РЕКЛАМА

4

5

<i>T/p</i>	<i>Давлат хизматларининг номи</i>	<i>Ишлар нархи</i>
1.3.	Умумий майдони 1 000 квадрат метрдан 5 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда
1.4.	Умумий майдони 5 000 квадрат метрдан 15 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда
1.5.	Умумий майдони 15 000 квадрат метрдан 50 000 квадрат метргача бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда
1.6.	Умумий майдони 50 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган кўчмас мулк	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда
II. Кўчмас мулк объектларининг турар жой фондига оид қисмига кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш		
2.1.	Кўп квартиралӣ уйдаги квартира	Объектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 фоизи, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда
2.2.	Якка тартибдаги турар жой	Объектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 фоизи, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда
III. Ер участкаларига кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш		
3.1.	Ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлганда, якка тартибда турар жой қуриш учун ажратилган ер участкаси	Бепул
3.2.	Ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлмаганда, якка тартибда турар жой қуриш учун ажратилган ер участкаси	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
3.3.	Деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ажратилган ер участкаси	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
3.4.	Нотурав объектларини қуриш учун ажратилган ер участкаси	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
3.5.	Қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаси	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 баравари
IV. Кўчмас мулк объектга бўлган ҳуқуқлар ва улар бўйича тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш		
4.1.	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 100 квадрат метргача бўлган турар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
4.2.	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 101 квадрат метрдан 300 квадрат метргача бўлган турар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,0 баравари
4.3.	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 301 квадрат метрдан ортиқ бўлган турар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,0 баравари
4.4.	Юридик шахсларнинг турар жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 баравари
4.5.	Жисмоний шахсларнинг нотурав жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,0 баравари
4.6.	Юридик шахсларнинг нотурав жой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 баравари
4.7.	Жисмоний шахсларнинг якка тартибда турар жой қуриш учун берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 баравари
4.8.	Жисмоний шахсларнинг нотурав жой объектлари учун берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,0 баравари
4.9.	Юридик шахсларга берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 баравари
4.10.	Ипотека ва ипотека ҳақидаги шартномани, шунингдек, ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
4.11.	Мулкида турар жой борлиги (йўқлиги) ҳақида ахборот бериш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи
V. Кўчмас мулк объектларига манзиллар бериш, уларни ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш		
5.1.	Кўчмас мулк объектларига манзиллар бериш, уларни ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 баравари

Изоҳлар:

1. Умумий майдонни аниқлашда барча иморатлар ва ишоотларини умумий майдони ҳисобга олинадӣ. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддасига биноан кадастр паспортини тайёрлаш хизматлари нархидан қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) олинмайдӣ.
2. Кадастр паспорти ўйқолганда (яроқсиз ҳолга келганда), унинг нусхасини (дубликатыни) тайёрлашнинг нархи кўчмас мулк объекти кўрсаткичлари ўзгартирилмасдан, хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қиладӣ.
3. Кадастр паспортини янгилаш зарурати юзага келганда, янги ташкил қилинган (реконструкция қилинган) кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилдаи ва уларнинг нархи мазкур Низомга мувофиқ белгиланадӣ.
4. Янги объектга кадастр паспортини расмийлаштиришда фақат кадастр паспортини шакллантириш ва геокод бериш учун ҳақ ундириладӣ.
5. I ва II гуруҳлар ноэиронлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қиладӣ.

ЎҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИНИНГ НАРХЛАРИ ВА ТАРИФЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва ёқилги-энергетика комплекси корхоналарининг мувозанатли ривожланишини таъминлаш, шунингдек, энергия ресурслари ва нефть маҳсулотлари учун ўзaro ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2019 йил 15 августдан бошлаб ёқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2019 йил 15 августдан бошлаб:

а) автомобиль бензини ва дизель ёқилгисини пировард истеъмолчига сотишда тўланадиган акциз солиғи ҳисобга олинган ҳолда:

Аи-80 маркали автомобиль бензинининг чакана нархи – бир литри учун 4 500 сўм;

дизель ёқилгисининг чакана нархи – бир литри учун 5 400 сўм;
ЭКО дизель ёқилгисининг чакана нархи – бир литри учун 5 700 сўм этиб;

б) Аи-91 маркали автомобиль бензини биржа савдолари орқали сотиладиган тартиб;

в) қонунчилиқда белгиланган айрим тоифадаги шахсларга автомобиль бензини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ҳар ойлик пул компенсацияси 75 000 (етмиш беш миң) сўм миқдоридида белгилансин.

«Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргалиқда ушбу қарорга мувофиқ ёқилги-энергетика ресурсларининг жорий этилаётган янги нархлари ва тарифлари прейскурантларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа шахсларга етказсинлар.

3. «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва уларнинг худудий корхоналари, филиаллари, шунингдек, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларида автомобиль бензини, автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларида табиий (сиқилган) газни сотувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар Энергетика вазирлиги ҳузуридида Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргалиқда автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларидаги автомобиль бензини, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияларидаги табиий газ ва газ тўлдириш пунктлари ва шохобчаларидаги суолтирилган газ қолдиқларини 2019 йил 15 августдаги ҳолатига кўра қайта баҳоқсинлар.

4. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида бир нафар абонентга аҳолининг электр энергияси истеъмолчи базавий нормалари жорий этилишининг ижобий натижалари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргалиқда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига табиий газ ва электр энергияси истеъмолчининг базавий нормаларини қўллаш механизмлари ва миқдорлари тўғрисида таклифлар киритсинлар, шу жумладан, бир ойда 250 кВт/соатдан ортиқ электр энергиясини истеъмол қиладиган маиший абонентлар учун белгиланган тарифга 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оширилиувчи коэффициент қўлланилишини назарда тутсинлар.

5. Белгилансинки, ушбу қарор кучга киргунга қадар электр энергияси (шу жумладан, актив, реактив энергия учун) ва табиий газ ҳажмлари учун тўлов аванс билан тўланган тақдирда, маиший истеъмолчилар (аҳоли) тўлов тўланган кундан бошлаб кейинги 6 ойдан ортиқ бўлмаган мuddатда тариф ўзгарганда қўшимча тўловлар тўлашдан овоз қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргалиқда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир тўмада электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш приборларини, энергияни тежайдиган технологияларни сотадиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган иқтисодлаштирилган дўконлар ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритсин.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ:

2019 йилда кўмир ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланси сўзсиз бажарилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари истеъмолчиларга ўз вақтида ва барқарор етказиб берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргалиқда 2020 йил 1 апрелгача бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2020/2021 йиллар куз-қиш давридан бошлаб кўмир маҳсулотларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари аҳолини, айниқса, бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшайдиган аҳолини, шунингдек, бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан, шу жумладан, уни импорт қилиш ҳисобига таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида Идораларaro тариф комиссияси 2019 йил 15 августдан бошлаб:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргалиқда:

нефть-газ тармогининг қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналари томонидан маҳсулотларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича (табиий газ, нефть, газ конденсати, суолтирилган газ) янги ички тармоқ нархлари, воситачилик шартномасига мувофиқ республика истеъмолчиларига табиий газ ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш ваколатига эга бўлган ташкилотларнинг воситачилик тақдирлаш пули, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигига эришиш учун электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотишга тарифлар ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш тарифлари;

электр ва иссиқлик энергияси, шунингдек, табиий газ истеъмолчиларидан ва улгуржи қайта сотувчилардан тушадиган пул маблағларини тақсимлаш тартиби;

б) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргалиқда – «Ўзбеккўмир» АЖ ва «Шарғункўмир» АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган ва истеъмолчиларга сотиладиган кўмирнинг

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 31.07.2019 йилдан кучга кирди.

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2019 йил « ____ » _____

1. _____
(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномасига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

асосида амал қилувчи

(ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низоми ва б., шунингдек))

_____ тимсолида,

(Обуначи ваколатли вакилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), унинг лавозими)

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2019 йил 6 августдаги 32 (1304)-сонидан эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2020 йил учун қуйидаги нашрларга обуна бўлади:

Индекс	Нашрнинг номи	2020 йил учун обуна нархи (сўм)	Нусхалар миқдори (дона)	Умумий сумма (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	1 115 400		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	781 560		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	558 480		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	1 115 400		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	781 560		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	558 480		

2. Тўлаш учун умумий сумма _____

_____ сўмни ташкил қилади.

(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

_____	_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------	-------

Почта индекси

Минтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

(шаҳарча, хўжалик қишлоқ кўча, даҳа, мавзо, уй, кв., хона)

Мўлжал _____

4. Боғланиш учун телефон: _____

5. Алоқа боғловчи шахс: _____

(Ф.И.Ш.)

БУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТИР _____

ИФУТ _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Х/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____


Банк коди _____

(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ
ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЛОЗИМ***



Экспертларимиз бухгалтерларга ёрдам сифатида ҚҚСни ҳисоблаш қоидаларини, уни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ мураккаб масалаларни мисоллар ёрдамида тушунтиришда давом этадилар.

ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

Узоқ муддатли активларни реализация қилишда

Асосий воситаларни (АВ), номоддий активларни (НМА) ва қурилиши тугалланмаган объектларни реализация қилиш чоғида харидорга ҚҚСни уларни реализация қилиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланг. Бироқ бюджет билан ҳисоблашишда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

1) ҚҚСни ҳисоблашнинг қандай – умумбелгиланган (20%-

лик ставка бўйича) ёки соддалаштирилган (фаолият турига боғлиқ бўлган, фарқланган ставкалар бўйича) тизимини қўллашнингизни;

2) ҚҚСни ҳисобга олманган ҳолда реализация қилиш қиймати ва қолдиқ (баланс) қийматининг нисбатини.

Эслатиб ўтамеиз:

Қолдиқ (баланс) қиймати – жамғарилган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситанинг ёки номоддий активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати.

Қурилиши тугалланмаган объектнинг баланс қиймати унинг ҳақиқий таннархи ҳисобланади.

Умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи томонидан узоқ муддатли активлар реализация қилинганда солиқни ҳисоблаш

Харидорга тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада объектни реализация қилиш қийматидан келиб чиқиб ҚҚСни ҳисобланг. Бироқ бюджет билан ҳисоблашишда солиқ солиш базаси унинг қолдиқ (баланс) қийматидан паст бўлиши мумкин эмаслигини инобатга олинг.

АВ, НМА ёки қурилиши тугалланмаган объектни реализация

қилишдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$МН = Т - К_{\text{қий}} - ҚҚС + С_{\text{к}} - X_{\text{реал}}$$

бу ерда:

Т – реализация қилишдан тушум;

К_{қий} – реализация қилинаётган объектнинг қолдиқ (баланс) қиймати, у АВнинг бошланғич (тиклаш) қиймати

*Давоми. Боши «СБХ»нинг 25.06.2019 йилдаги 26 (1298), 2.07.2019 йилдаги 27 (1299), 30.07.2019 йилдаги 31 (1303)-сонларида.

ва ҳисобланган амортизация ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

ҚҚС – қўшилган қиймат солиғи;

С_н – 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш

бўйича тузатишлар» счётининг кредити бўйича ҳисобга олинадиган, реализация қилинаётган объектнинг қайта баҳолаш сальдоси;

X_{реал} – объектни реализация қилиш харажатлари.

Объектни реализация қилиш қиймати га қараб ҚҚСни ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

Объектни реализация қилиш қиймати	20%лик ставкада ҚҚСни ҳисоблаш тартиби	
	ҳисобварақ-фактурада	ҳисоботда
ҚҚС суммасини ўз ичига олмайдиган қолдиқ қиймат (K _{қол}) бўйича	K _{қол} × 20%	K _{қол} × 20%
ҚҚС суммасини ўз ичига оладиган қолдиқ қиймат бўйича	$\frac{K_{\text{қол}}}{120} \times 20$ ҚҚС _{ҳисобварақ} < ҚҚС _{ҳисоботда}	K _{қол} × 20%
Қолдиқ қийматдан паст. Реализация қилиш қиймати (K _{қол}) ҚҚС суммасини ўз ичига олади	$\frac{K_{\text{қол}}}{120} \times 20$ ҚҚС _{ҳисобварақ} < ҚҚС _{ҳисоботда}	K _{қол} × 20%
Қолдиқ қийматдан юқори. Реализация қилиш қиймати ҚҚС суммасини ўз ичига олади	$\frac{K_{\text{қол}}}{120} \times 20$ ҚҚС _{ҳисобварақ} = ҚҚС _{ҳисоботда}	$\frac{K_{\text{қол}}}{120} \times 20$

1-ВАЗИЯТ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи асосий воситани қолдиқ қиймати бўйича ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилади

АВнинг бошлангич қиймати – 50 000 минг сўм, ҳисобланган эскириш – 40 000 минг сўм, қайта баҳолаш сальдоси – 5 000 минг сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилиш қиймати қолдиқ қийматга тенг – 10 000 минг сўм (50 000 – 40 000).

Харидорга тақдим этиладиган ҚҚС 2 000 минг сўмни (10 000 × 20%) ташкил этади.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 2 000 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситанинг қолдиқ қиймати бўйича реализация қилинишини куйидагича акс эттиринг:

Ҳужалиқ операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
АВнинг бошлангич (тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилди	50 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетиши»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	40 000	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетиши»
Қайта баҳолаш натижаси (сальдо) ҳисобдан чиқарилди	5 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетиши»
ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда АВни реализация қилишдан тушуум акс эттирилди (10 000 + 2 000)	12 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетиши»
ҚҚС акс эттирилди	2 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилишдан молиявий натижа (фойда) акс эттирилди (12 000 – 10 000 – 2 000 + 5 000)	5 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиш кетишидан фойда»

Ҳисобварақ-фактуранинг жадевал қисмини куйидагича тўлдиринг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
1		2	3	4	5	6	7	8
1	АВ объектнинг номи	дона		10 000 000	10 000 000	20%	2 000 000	12 000 000
	Жами тўлашага: ўн икки миллион сўм					10 000 000	2 000 000	12 000 000

ҚҚС бўйича ҳисоботда (3-шова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) операцияни куйидагича акс эттиринг:

• ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрига (Сотиш реестри, ҚҚС ҳисоб-китоби га 5-шова) киритинг;

• ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (10 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китоби га 1-«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш бўйича оборотлар» шловасининг 3-устуни 0105-сатрида акс эттиринг.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Таҳририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истиқомат қиладиган), куйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича (ўзи танлаган шартларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан **мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2020 йилга обун шартномасини (бундан кейин – Шартнома)** тузишга тайёр эканлигини билдиради. Таҳририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманомга-акцептни (бундан кейин – Акцепт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обун бўлишга розилиги ҳақида Таҳририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартиришларсиз, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (371) 200-00-30 факси орқали жўнатилиши ёки Таҳририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Таҳририят 2020 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига кўра) обун қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Таҳририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обун қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2019 йил 31 августдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обун қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Таҳририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақиқ юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш. Тўлов Таҳририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Таҳририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Таҳририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Таҳририят почта бўлимлари орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни наватдаги сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта хизмати га мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган

тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақида Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақида Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

11. Акцепт муддати 2019 йил 31 августга қилиб белгиланади. Агар Таҳририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу муддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилари.

12. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

13. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Таҳририят Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

14. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини олмаган фавқуллода ҳолатдаги воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

15. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайдан бошлаб 7 (етти) иш кунни мобайнида хабардор қилишлари керак.

16. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

17. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати – 2019 йил 31 августга.

18. ТАҲРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:
«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1
Обун бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22
Ҳ/р: 2020 8000 3008 7382 7001.

Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкида МФО 00842

СТИР 305504530, ИФУТ 58130

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326010039431.

Тел./факс (371) 200-00-30.

Баҳодир ҚАЙУМОВ,
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»
МЧЖ директори.

МИСОЛ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона товарни импорт қилади ва уни ички бозорда реализация қилади. Товарнинг контракт қиймати 169 718,2 минг сўмни ташкил этади.
Божхона қиймати – 180 000 минг сўм, боғхона божи – 9 000 минг сўм, импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаш учун товарнинг қиймати – 189 000 минг сўм (180 000 + 9 000).
Товарни боғхонада расмийлаштириш чоғида ҳисобланган ва тўланган ҚҚС 37 800 минг сўмни (189 000 x 20%) ташкил этади.

1-ВАЗИЯТ. Импорт қилинган товарни реализация қилиш қиймати «импорт» ҚҚСни ҳисоблаш учун қабул қилинган қийматдан юқори
Товар 20% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 240 000 минг сўмга реализация қилинган. Харидорга ҳисобварақ-фактурада 40 000 минг сўм (240 000 / 120 x 20) миқдоридоғи ҚҚС ёзиб берилган.
Божхона расмийлаштируви чоғида тўланган ҚҚС – 37 800 минг сўм.
Ушбу товар бўйича ҳам 37 800 минг сўм ҳисобга олинади. Корхона ушбу операция бўйича бюджетга 2 200 минг сўм (40 000 – 37 800) тўлайди.

2-ВАЗИЯТ. Импорт қилинган товарни «импорт» ҚҚСни ҳисоблаш учун қабул қилинган қийматда реализация қилиш
Товар 20% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 226 800 минг сўмга реализация қилинган. Харидорга ҳисобварақ-фактурада 37 800 минг сўм (226 800 / 120 x 20) миқдоридоғи ҚҚС ёзиб берилган.
Божхона расмийлаштируви чоғида тўланган ҚҚС – 37 800 минг сўм.
Бунда ҳам 37 800 минг сўм ҳисобга олинади.
Ушбу операция бўйича бюджетга ҚҚС тўланмайди (37 800 – 37 800 = 0).

3-ВАЗИЯТ. Импорт қилинган товарни «импорт» ҚҚСни ҳисоблаш учун қабул қилинган қийматдан паст нархда реализация қилиш
Товар 20% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 180 000 минг сўмга реализация қилинган. Харидорга ҳисобварақ-фактурада 30 000 минг сўм (180 000 / 120 x 20) миқдоридоғи ҚҚС ёзиб берилган.
Божхона расмийлаштируви чоғида тўланган ҚҚС – 37 800 минг сўм.
Бунда ҳам 37 800 минг сўм ҳисобга олинади.
Бироқ корхона ушбу операция бўйича бюджетга 37 800 минг сўм – импорт қилиш чоғида солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб ҳисобланган ҚҚС суммасини (189 000 x 20%) ҳисоблаши керак.
7 800 минг сўм (37 800 – 30 000) миқдоридоғи фарқ давр харажатларига киритилади.
Ушбу операция бўйича бюджетга ҚҚС тўланмайди (37 800 – 37 800 = 0).
Товарнинг импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст нархда реализация қилинишини бухгалтерия ҳисобида қуйдагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Товар реализация қилингани акс эттирилди	150 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
Харидорга тақдим этилган ҚҚС суммаси акс эттирилди	30 000		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС бўйича фарқ акс эттирилди	7 800	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Солиқ ҳисоботида ушбу операция қуйдагича акс эттирилади:
 ● ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
 ● ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (150 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобида 1-илованинг 0102-сатри 3-устунида акс эттиринг;
 ● товарни импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қиймат билан уни ҚҚСсиз реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқни (189 000 – 150 000 = 39 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобида 1-илованинг 0104-сатри 3-устунида акс эттиринг.

«Нота» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

Давоми бор.

2-ВАЗИЯТ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи номоддий активни қолдиқ қийматидан паст нархда, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилади
 НМАнинг бошланғич қиймати – 50 000 минг сўм, ҳисобланган эскириш – 40 000 минг сўм, қолдиқ қиймати – 10 000 минг сўм (50 000 – 40 000), қайта баҳолаш сальдоси – 2 000 минг сўм, ҚҚС ҳисобга олинмаган реализация қилиш қиймати қолдиқ қийматидан паст – 8 000 минг сўм.
 Харидорга тақдим этиладиган ҚҚС 1600 минг сўмни (8 000 x 20%) ташкил этади.
 Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 2 000 минг сўм (10 000 x 20%).
 Бухгалтерия ҳисобида НМАнинг қолдиқ қийматидан паст нархда реализация қилинишини қуйдагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
НМАнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилди	50 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0400-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар»
Ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	40 000	0500-«Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш натижаси (сальдо) ҳисобдан чиқарилди	2 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда НМАни реализация қилишдан тушум акс эттирилди (8 000 + 1 600)	9 600	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС акс эттирилди	2 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилишдан молиявий натижа (зарар) акс эттирилди (9 600 – 10 000 – 2 000 + 2 000)	400	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисмини қуйдагича тўлдиринг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	НМАнинг номи	дона		10 000 000	8 000 000	20%	1 600 000	9 600 000
	Жами тўлаша: тўққиз миллион олти юз минг сўм						1 600 000	9 600 000

ҚҚС бўйича ҳисоботда операцияни қуйдагича акс эттиринг:
 ● ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
 ● ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (8 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобида 1-илованинг 3-устуни 0105-сатрида акс эттиринг;
 ● қолдиқ қиймат ва ҚҚСсиз реализация қилиш қиймати ўртасидаги фарқ – 2 000 минг сўмни (10 000 – 8 000) ҚҚС ҳисоб-китобида 1-илованинг 3-устуни 01081-сатрида акс эттиринг.

3-ВАЗИЯТ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи қурилиши тугалланмаган объектни баланс қийматидан юқори нархда, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилади
 Объектнинг ҳақиқий таннархи (баланс қиймати) – 50 000 минг сўм, қайта баҳолаш сальдоси – 5 000 минг сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилиш қиймати баланс қийматидан юқори – 60 000 минг сўм.
 Харидорга тақдим этиладиган ҚҚС 12 000 минг сўмни (60 000 x 20%) ташкил этади.
 Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 12 000 минг сўм.
 Бухгалтерия ҳисобида қурилиши тугалланмаган объектнинг баланс қийматидан юқори нархда реализация қилинишини қуйдагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Объектнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	50 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0810-«Тугалланмаган қурилиш»
Қайта баҳолаш натижаси (сальдо) ҳисобдан чиқарилди	5 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан тушум акс эътирилади (60 000 + 12 000)	72 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинаниган счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС акс эътирилади	12 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
Реализация қилишдан молиявий натижа (фойда) акс эътирилади (72 000 – 50 000 – 12 000 + 5 000)	15 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ҳисобварақ-фактуранинг жадал қисмини қуйдагича тўлдирина:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришининг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
						1	2	
1	Объектнинг номи	дона		50 000 000	60 000 000	20%	12 000 000	72 000 000
	Жами тўлашга: етмиш икки миллион сўм				60 000 000		12 000 000	72 000 000

ҚҚС буйича ҳисоботда операцияни қуйдагича акс эътирина:

- ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (60 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-иловнинг 3-устуни 0105-сатрида акс эътирина.

Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи томонидан узоқ муддатли активлар реализация қилинганда солиқни ҳисоблаш

ҚҚСни соддалаштирилган тартибда тўлаётган бўлсангиз, олманг. Харидорга ва бюджет билан ҳисоблашишда фақат АВ, НМА ёки қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш чоғида уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини ҳисобга олманг. Харидорга ва бюджет билан ҳисоблашишда фақат объектни реализация қилиш қийматидан ҚҚСни ҳисобланг.

! Бир нечта фаолият тури билан шугулланганда алоҳида-алоҳида ҳисоб юритинг ва ҚҚСни ушбу фаолият турларига мувофиқ келадиган ставкаларда тўланг (Солиқ кодексининг 226-4-моддаси). Корхона фаолиятига тааллуқли бўлмаган бошқа реализация қилиш оборотларига қўлланилаётган энг юқори ставка буйича ҚҚС солиниг (МВ ва ДСҚнинг 12.03.2019 йилдаги қўшма хати).

Объектни реализация қилиш қийматига қараб соддалаштирилган тартибда ҚҚС ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз:

Объектни реализация қилиш қиймати	Соддалаштирилган тартибда ҚҚС ҳисоблаш тартиби	
	ҳисобварақ-фактурада	ҳисоботда
ҚҚС суммасини ўз ичига олмайдиган қолдиқ қиймат ($K_{\text{қол}}$) буйича	$K_{\text{қол}} \times 20\%$ $ҚҚС_{\text{ҳисобварақ}} = ҚҚС_{\text{ҳисоботда}}$	$K_{\text{қол}} \times 20\%$
ҚҚС суммасини ўз ичига оладиган қолдиқ қиймат буйича	$K_{\text{қол}} / 120 \times 20$ $ҚҚС_{\text{ҳисобварақ}} = ҚҚС_{\text{ҳисоботда}}$	$K_{\text{қол}} / 120 \times 20$
Қолдиқ қийматдан паст. Реализация қилиш қиймати ($K_{\text{қол}}$) ҚҚС суммасини ўз ичига олади	$K_{\text{қол}} / 120 \times 20$ $ҚҚС_{\text{ҳисобварақ}} = ҚҚС_{\text{ҳисоботда}}$	$K_{\text{қол}} / 120 \times 20$
Қолдиқ қийматдан юқори. Реализация қилиш қиймати ҚҚС суммасини ўз ичига олади	$K_{\text{қол}} / 120 \times 20$ $ҚҚС_{\text{ҳисобварақ}} = ҚҚС_{\text{ҳисоботда}}$	$K_{\text{қол}} / 120 \times 20$

1-ВАЗИЯТ. Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи асосий воситани қолдиқ қиймати буйича, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилади

Корхона қурилиш билан шугулланади (ҚҚС ставкаси – 8%) ва машиий техникани таъмирлаш хизматларини кўрсатади (ҚҚС ставкаси – 7%). Асосий воситани реализация қилиш корхона учун қўлланиладиган ставкаларнинг энг юқориси – 8%лик ставка буйича ҚҚС солинадиган бошқа реализация қилиш обороти ҳисобланади.

АВнинг бошланғич қиймати – 50 000 минг сўм, ҳисобланган эскириш – 40 000 минг сўм, қайта баҳолаш сальдоси – 5 000 минг сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилиш қиймати қолдиқ қийматга тенг – 10 000 минг сўм (50 000 – 40 000).

Харидорга тақдим этиладиган ҚҚС 800 минг сўмни (10 000 x 8%) ташкил этади.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 800 минг сўм.

Мақсадли имтиёз мавжуд бўлганда импорт қилинган хом ашё буйича ҚҚСнинг ҳисобга олиниши бухгалтерия ҳисобида қуйдагича акс эътирилади (АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2-ш):

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Хом ашё импорт қилинганда ҚҚС ҳисобланди ва ҳисобга олинди	20 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар буйича аванс тўловлари (турлари буйича)» 6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар» 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар буйича аванс тўловлари (турлари буйича)»
Мақсадли имтиёзни қўллаш натижасида бўшган маблағлар суммаси акс эътирилади	20 000	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	8840-«Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари»
Маҳсулотни реализация қилишдан даромад акс эътирилади (300 000 – 50 000)	250 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинаниган счётлар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» 6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»
ҚҚС ҳисобланди	50 000		
Бюджетга ҚҚС тўланди	30 000	6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарз (турлари буйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Солиқ ҳисоботида импорт буйича ҚҚС суммасини қуйдагича акс эътирина:

- импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қиймат ва «импорт» ҚҚС суммасининг ўзини Харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) буйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрининг (Сотиб олиш реестри, ҚҚС ҳисоб-китобига 4-илова) 6 ва 7-устунларида акс эътирина;
- Реестрнинг 6 ва 7-устунларидаги якуний суммалар Ҳисобга олинаниган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китобининг (ҚҚС ҳисоб-китобига 3-илова) 011-сатри 3 ва 4-устунларида автоматик равишда акс этади.

Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчининг «импорт» ҚҚСни ҳисобга олиши

Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўласангиз, «импорт» ҚҚСни товарларнинг харид қийматига киритинг. ҚҚСни ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартиби ҳисобга олиш механизмини назарда тутмайди (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси).

ВАЗИЯТ. Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи корхонанинг импорт буйича ҚҚСни акс эътириши
Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи корхона ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё импорт қилади. Хом ашёнинг контракт қиймати 40 000 минг сўмни, боғхона қиймати 50 000 минг сўмни ташкил этади. Боғхона божи 2 500 минг сўм миқдоридан тўланган. Боғхона расмийлаштируви чоғида 10 500 минг сўм ((50 000 + 2 500) x 20%) миқдоридан тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди, балки хом ашё қийматига киритилади. Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи импорт қилинган хом ашё буйича ҚҚСни бухгалтерия ҳисобида қуйдагича акс эътирилади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Етказиб берувчидан хом ашё келиб тушди (контракт қиймати)	40 000	1010-«Хом ашё ва материаллар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Боғхона божи акс эътирилади	2 500	1010-«Хом ашё ва материаллар» 6990-«Бошқа мажбуриятлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар» 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Импорт қилиш чоғида ҚҚС суммаси акс эътирилади	10 500	1010-«Хом ашё ва материаллар» 6990-«Бошқа мажбуриятлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар» 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Импорт қилинган товар реализация қилинганда

Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда ҚҚС умумий қондага кўра – уларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Бироқ бюджет билан ҳисоблашаётганда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслигини инобатта олинг (Солиқ кодексининг 204-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги
www.norma.uz

Импорт қилинган товарлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш

«Импорт» ҚҚСни ҳисобга олиш учун импорт қилинган товарлардан солиқ солинадиган оборот, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборот мақсадида фойдаланилиши зарур (Солиқ кодексининг 218-моддаси).

МИСОЛ. 20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона реализация қилиш оборотлари ҚҚСдан озод этилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаради (Солиқ кодексининг 208-моддаси 13-банди). Ишлаб чиқариш учун хом ашё импорт қилинган, импорт қилиш чоғида ҚҚС тўланган. Хом ашёдан солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланилиши сабабли у бўйича «импорт» ҚҚС ҳисобга олинмайди.

Импорт учун ҚҚС божхона декларацияси қабул қилингунига қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда божхона органига тўланади. БКнинг 327-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

❗ «Импорт» ҚҚСни фақат ҳақиқатда тўланганидан кейин ҳисобга олинг.

МИСОЛ. Корхона июнь ойида товарларни импорт қилди. Товарларни божхонада расмийлаштириш чоғида ҳисобланган ҚҚС 37 800 минг сўмни ташкил этди. Солиқни тўлаш учун корхонага бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилди. Июнь ойида ҚҚСнинг бир қисми – 20 000 минг сўм тўланди. Бинобарин, июнь ойида фақат ушбу 20 000 минг сўмни ҳисобга олиш мумкин. Солиқнинг қолган қисми ҳам ҳақиқатда тўланганда ҳисобга олинади.

Мақсадли имтиёз мавжуд бўлганда «импорт» ҚҚСни ҳисобга олиш

Сиз олиб кирадиган товарлар айрим турдаги товарлар ва (ёки) хўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёзларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида «импорт» ҚҚСни тўлашдан озод қилинган бўлса, улар бўйича ҚҚСни тўламанг. Бироқ тақдим этилган имтиёз мақсадли бўлса, солиқ суммасини ҳисобланг ва ҳисобга олинг (Солиқ кодексининг 218-моддаси).

Мақсадли имтиёз бўшаган маблағларни муайян мақ-

садларга йўналтиришни назарда тутати. Масалан, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқаларга. Бундай имтиёзларни қўллаганда умумбелгиланган тартибда солиқ ҳисобланг, бироқ уни бюджетга ўтказманг (АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2, 3-бандлари).

ВАЗИЯТ. Мақсадли имтиёз мавжуд бўлганда «импорт» ҚҚСни ҳисобга олиш

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё (ақсиз тўланмайдиган товар) импорт қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ички бозорда реализация қилинади.

Хом ашёнинг божхона қиймати 100 000 минг сўмни ташкил этди.

Корхона бўшаган маблағларни мақсадли ишлатиш шарти билан олиб кириладиган хом ашё бўйича божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган.

Божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган, импорт қилинган хом ашё бўйича ҚҚС 20 000 минг сўмни (100 000 x 20%) ташкил этди.

Ушбу хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулот 300 000 минг сўмга, ш.ж. ҚҚС – 50 000 минг сўм, реализация қилинди. Ҳисобланган ва ҳисобга олинган, бироқ имтиёз асосида божхона органига ўтказилмаган «импорт» ҚҚСни инобатга олган ҳолда корхона 30 000 минг сўмни (50 000 – 20 000) бюджетга тўлайди.

РЕКЛАМА

ORMA

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.

Тел: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситанинг қолдиқ қиймати бўйича реализация қилинишини куйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
АВнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилди	50 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	40 000	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш натижаси (сальдо) ҳисобдан чиқарилди	5 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда АВни реализация қилишдан тушум акс эттирилди (10 000 + 800)	10 800	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинмайдиган счётлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС акс эттирилди	800	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилишдан молиявий натижа (фойда) акс эттирилди (10 800 – 10 000 – 800 + 5 000)	5 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ҳисобварақ-фактуранинг жадевал қисмини куйидагича тўлдиринг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
1	АВ объектнинг номи	дона		10 000 000	10 000 000	8%	800 000	10 800 000
	Жами тўлаша: ўн миллион саккиз юз минг сўм				10 000 000		800 000	10 800 000

Соддалаштирилган тартибдаги ҚҚС бўйича ҳисоботда (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) операцияни куйидагича акс эттиринг:

- ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрига (Сотиш реестри, Соддалаштирилган тартибдаги ҚҚС ҳисоб-китобига 3-илова) киритинг;
- ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (10 000 минг сўм) Соддалаштирилган тартибдаги ҚҚС ҳисоб-китобига 1-«Бошқа оборотлар» иловасининг 020-сатрида акс эттиринг.

2-ВАЗИЯТ. 7%лик ставкада соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи номоддий активни қолдиқ қийматидан паст нархда, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилади

НМАНинг бошланғич қиймати – 50 000 минг сўм, ҳисобланган эскириш – 40 000 минг сўм, қолдиқ қиймати – 10 000 минг сўм (50 000 – 40 000), қайта баҳолаш сальдоси – 5 000 минг сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда қолдиқ қийматидан паст нархда реализация қилиш қиймати – 8 000 минг сўм.

Харидорга тақдим этиладиган ҚҚС 560 минг сўмни (8 000 x 7%) ташкил этади.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 560 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида НМАНинг қолдиқ қийматидан паст нархда реализация қилинишини куйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
НМАНинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилди	50 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0400-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар»
Ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	40 000	0500-«Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш натижаси (сальдо) ҳисобдан чиқарилди	5 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан тушум акс эттирилди (8 000 + 560)	8 560	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинмайдиган счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС акс эттирилди	560	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилишдан молиявий натижа (фойда) акс эттирилди (8 560 – 10 000 – 560 + 5 000)	3 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ҳисобварақ-фактуранинг жадевал қисмини куйдагича тўлдиринг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	НМАнинг номи	дона		10 000 000	8 000 000	7%	560 000	8 560 000
Жами тўлашга: саккиз миллион беш юз олти миң минг сўм						8 000 000	560 000	8 560 000

Соддалаштирилган тартибдаги ҚҚС бўйича ҳисоботда операцияни куйдагича акс эттиринг:

- ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (8 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобиغا 1-илованинг 020-сатрида акс эттиринг.

3-ВАЗИЯТ. 7%лик ставкада соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи қурилиши тугалланмаган объектни баланс қийматидан юқори нархда, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилади
 Объектнинг ҳақиқий таннархи (баланс қиймати) – 50 000 минг сўм, қайта баҳолаш сальдоси – 5 000 минг сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилиш қиймати баланс қийматидан юқори – 60 000 минг сўм.
 Харидорга тақдим этиладиган ҚҚС 4 200 минг сўмни (60 000 x 7%) ташкил этади.
 Бюджетга тўланадиган ҚҚС – 4 200 минг сўм.
 Бухгалтерия ҳисобида қурилиши тугалланмаган объектнинг баланс қийматидан юқори нархда реализация қилинишини куйдагича акс эттиринг:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Объектнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	50 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0810-«Тугалланмаган қурилиш»
Қайта баҳолаш натижаси (сальдо) ҳисобдан чиқарилди	5 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан тушум акс эттирилди (60 000 + 4 200)	64 200	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС акс эттирилди	4 200	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилишдан молиявий натижа (фойда) акс эттирилди (64 200 – 50 000 – 4 200 + 5 000)	15 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ҳисобварақ-фактуранинг жадевал қисмини куйдагича тўлдиринг:

Т/р	Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставкаси	суммаси	
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	Объектнинг номи	дона		50 000 000	60 000 000	7%	4 200 000	64 200 000
Жами тўлашга: олти миң тўрт миллион икки юз минг сўм						60 000 000	4 200 000	64 200 000

Соддалаштирилган тартибдаги ҚҚС бўйича ҳисоботда операцияни куйдагича акс эттиринг:

- ҳисобварақ-фактурадаги маълумотларни Сотиш реестрига киритинг;
- ҚҚСсиз реализация қилиш қийматини (60 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобиغا 1-илованинг 020-сатрида акс эттиринг.

РЕКЛАМА

ORMA

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Тағлимаржон кўч., 1/1. Тел: (71) 200-00-90.
 E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

СОЛИҚ ҲАМ БОЖХОНА

№ 32 (1304) • 2019 йил 6 август

Товарлар импорт қилинганда

Қандай солиқ солиш тизимини қўллашнингдан қатъи назар, товарларни импорт қилганда ҚҚС тўлайсиз (Солиқ кодексининг 197-моддаси 3-банди, 349-моддаси). Солиқ солишдан озод қилинган имтиёзли товарлар бундан мустасно (Солиқ кодексининг 211-моддаси).

Товарларни импорт қилишда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базага куйдагиларни киритинг (Солиқ кодексининг 206-моддаси):

- товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига (БКнинг 44-боби) мувофиқ белгиланадиган божхона қийматини;
- акциз тўланадиган товарларни олиб кирсангиз, акциз солигини (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 19-илова);
- божхона божини.

«Импорт» ҚҚСни ҳисоблаш

«Импорт» ҚҚС божхона тўловлари таркибига қиради (БКнинг 289-моддаси). Одатда, уларни божхона брокери – божхона расмийлаштируви билан шуғулланадиган махсус воситачилик ташкилоти ҳисоблайди.

Импорт қилинадиган товарларга доир ҚҚС куйдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ҚҚС = (Бқ + Бб + С_{ам}) \times C / 100, \text{ бу ерда:}$$

- Бқ** – импорт қилинадиган товарнинг божхона қиймати;
 - Бб** – божхона божи;
 - С_{ам}** – акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси;
 - С** – ҚҚС ставкаси, фоизларда.
- Импорт қилинадиган товарлар бўйича ҚҚС ставкаси 20%ни ташкил этади.



Соддалаштирилган тартибдаги ҚҚСни қўлловчи корхоналар ҳам, фаолият турларидан қатъи назар, 20%лик ставкада импорт бўйича ҚҚС тўлайдилар (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси).



МИСОЛ. Соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи улгуржи савдо корхонаси товарларни импорт қилди. Корхона оdatдаги фаолияти – улгуржи савдода ҚҚСнинг 6%лик ставкасини қўллашига қарамай, «импорт» ҚҚСни 20%лик ставкада тўлайди.



Импорт қилинадиган товарнинг контракт қиймати божхона тўловларини тўлаш учун ҳисобланган божхона қийматига доим ҳам мос келвермайди.

1-ВАЗИЯТ. Контракт қиймати божхона қийматига мос келмайди

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона акциз тўланмайдиган товарларни ички бозорда қайта сотиш мақсадида импорт қилади. Олиб қилинадиган товарларнинг контракт қиймати 20 минг АҚШ долларини ташкил этади. ИМ 40 «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимида божхонада расмийлаштириш пайтида МБ курси 8 485,91 сўмни ташкил этган.

Товар божхонада расмийлаштирилётганда куйдагилар тўланган:

- божхона божи (5%) – 8 485 910 сўм миқдорига;
- божхона расмийлаштируви учун йиғим (0,2%) – 339 436 сўм;
- ҚҚС – 35 640 822 сўм ((20 000 x 8 485,91 + 8 485 910) x 20%).

Товарнинг контракт қиймати 169 718 200 сўмни (20 000 x 8 485,91), импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаш учун қабул қилинган қиймат эса 178 204 110 сўмни (169 718 200 + 8 485 910) ташкил этади. Божхона расмийлаштируви учун йиғим ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базада ҳисобга олинмайди.

2-ВАЗИЯТ. Контракт қиймати божхона қийматига мос келмайди

20%лик ставкада ҚҚС тўловчи корхона акциз тўланмайдиган товарларни ички бозорда қайта сотиш мақсадида импорт қилади. Олиб қилинадиган товарларнинг контракт қиймати 20 минг АҚШ долларини ташкил этади. ИМ 40 «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимида божхонада расмийлаштириш пайтида МБ курси 8 485,91 сўмни ташкил этган. Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун божхона органлари ҳисоблаган товарнинг божхона қиймати 180 000 минг сўмни ташкил этган.

Товар божхонада расмийлаштирилётганда куйдагилар тўланган:

- божхона божи (5%) – 9 000 минг сўм миқдорига;
- божхона расмийлаштируви учун йиғим (0,2%) – 360 минг сўм;
- ҚҚС – 37 800 минг сўм ((180 000 + 9 000) x 20%).

Товарнинг контракт қиймати 169 718, 2 минг сўмни (20 000 x 8 485,91), божхона қиймати – 180 000 минг сўмни, импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаш учун қабул қилинган товарнинг қиймати эса 189 000 минг сўмни ташкил этади. Божхона расмийлаштируви учун йиғим ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базада ҳисобга олинмайди.



? Ташиқлот улгуриси савдо билан шуғулланади. Раҳбариятнинг қарорига биноан 2019 йилнинг I чорагида солиқни сақлаш муассасаларига 400 млн сўмлик товар бепул берилган эди. Мазкур сумма Фойда солиғи ҳисоб-китобида 020-«Товарларни таннархидан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан қўрилган зарарлар» сатрида акс эттирилган эди. Тегишли равишда, фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база шу суммага ошди ва у 12%лик ставкада тўланди. II чорада солиқни сақлаш соҳасидаги бошқа муассасага ҳам 500 млн сўмлик товар текинга берилган.

II чорак учун Фойда солиғи ҳисоб-китобида 020-сатр бўйича қайси суммани акс эттириши керак: I ва II чорақлар учун – 900 млн сўмни икки қатат II чорак учун – 500 млн сўмни?

ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ

– Тасдиқланган юридик шахслардан олинган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида (ДСҚ ва МВнинг АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 1-илова) кўрсаткичларни ўсиб борувчи тартибда тўлдириш назарда тутилади. Тегишнча, Фойда солиғининг ҳисоб-китоби 020-сатрида сиз 900 млн сўми акс эттиришингиз керак.

Сиз имтиёздан фойдаланишингиз мумкин. Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси соғлиқни

сақлаш муассасаларига бериладиган хомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 2%дан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади (Солиқ кодекси 159-моддасининг 1-банди).

Шунингдек, Фойда солиғи ҳисоб-китобида 4-«Имтиёзлар» иловасининг 061-сатрида солиқ солинадиган базани камайтирадиган, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 2%дан кўп бўлмаган миқдордаги суммани кўрсатинг.

СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН АСОС

? Биздан камерал назорат натижаларига кўра мол-мулк солиғини кредит олиш учун аниқланган бинонинг баҳолаш қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисоблашни сўрашмоқда.

Бинонинг баҳолаш қиймати мол-мулк солиғини қайта ҳисоблаш учун асос бўла оладими?

– Йўқ, кредит олиш учун аниқланган бинонинг баҳолаш қиймати мол-мулк солиғини қайта ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Лекин мазкур ҳолни аниқ тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзи ҳам мавжуд эмас.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак (Солиқ кодексининг 7-моддаси). Ҳеч кимнинг зиммасига Солиқ кодексида назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас (Солиқ кодексининг 6-моддаси).

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ солиш базаси Солиқ кодексининг 267, 268-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Бинобарин, мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

• кўчмас мулк бўйича – ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тик-

ланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

• норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объеклари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ тўловчилар солиқ ва бошқа ваколатли органлар ҳамда улар мансабдор шахсларининг Солиқ кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик ҳуқуқига эгалар (Солиқ кодексининг 31-моддаси 1-қисмининг 11-хатбоши).

Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (Солиқ кодексининг 122-моддаси). Шикоят бериш муддатлари ва тартиби Солиқ кодексининг 123–125-моддаларида белгиланган.

АСБОБ-УСКУНАЛАР ҚАРЗЛАР БИЛАН ҚЎШИБ БЕРИЛГАНДА

? ҚҚС тўловчиси бўлган корхона 2018 йилда кредит маблағлари ҳисобидан асбоб-ускуна харид қилган эди. Корхонани ёпиб, бошқа корхонага кредит тўлови бўйича барча мажбуриятларни ўтказиш ва ҳамма мол-мулкни сотиб юборишга қарор қилинди. Асосий воситанинг реализация қилиниши ва кредит бўйича қарзни ўтказиш операцияларига ҚҚС солинадими?

– Асосий воситани бошқа юридик шахсга ҳар қандай йўл билан ўтказиш реализация қилиш обороти деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисмининг 1-банди).

Асосий воситаларни реализация

қилиш чоғида солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, бироқ уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан кам бўлмаган, қўшилган қиймат солиғи киритилмаган ҳолда аниқланади (Солиқ кодексининг 204-моддаси 8-қисми).

Диққат! 2019 йилнинг 1 январига қадар харид қилинган асосий воситалар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди (Солиқ кодексининг 218-моддаси 1-банди). Яъни сиз 2018 йилда асбоб-ускуна ҚҚС билан бирга харид қилган бўлсангиз, у 0130-«Машина ва асбоб-ускуналар» счётида ҚҚСни ўз ичига олган қиймат бўйича ҳисобга олинади.



Асбоб-ускунани ўтказишда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базани сиз қолдиқ қийматини ҳисобга олган ҳолда аниқлайсиз.

Сизга кредит ажратган банк кредитни сўндириш бўйича мажбуриятларингиз бошқа корхонага ўтказилишига қаршилик билдирмаса, у ҳолда зарур ҳужжатларни расмийлаштиравинг. Бухгалтерия ҳисобида ўз мажбуриятингизнинг банкдан асбоб-ускуна харидорига ўтказилишини акс эттиринг. Кредит бўйича қарзнинг ўтказилишига ҚҚС солини-

майди (Солиқ кодексининг 209-моддаси 3-банди).

Мол-мулк реализация қилинганда ва қарз ўтказилганда сизнинг ҳисобингизда қуйидагилар вуждга келади:

- мол-мулк учун бошқа корхонанинг қарзи;
- айнан шу корхона олдидаги сизнинг кредит бўйича қарзингиз.

Муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилгандан кейин мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади (ФҚ-нинг 343-моддаси).

МИСОЛ. Банк кредити ҳисобидан 600 млн сўмлик асбоб-ускуна харид қилинган, шу жумладан ҚҚС – 100 млн сўм. У АВ сифатида фойдаланишга қўйилган.

15 июль ҳолатига кўра:

- кредитнинг сўндирилмаган суммаси – 400 млн сўм (асосий қарз) ва 5 млн сўм (жорий пайтга ҳисобланган фоизлар) қолган;
- АВни бериш пайтидаги қолдиқ қиймати – 550 млн сўм.

1-вариант. АВ 660 млн сўм қийматида реализация қилинган, шу жумладан ҚҚС – 110 млн сўм. Муқобил мажбуриятлар ҳисобга ўтказилишини инобатга олганда, АВ харидори корхонага 255 млн сўм (660 – 400 – 5) қарзидир.

2-вариант. АВ 405 млн сўм қийматида реализация қилинган, шу жумладан ҚҚС – 67,5 млн сўм. Бу ҳолда ҳисобварак-фактурада ҚҚС – 67,5 млн сўми акс эттиринг. 42,5 млн сўмлик (110 – 67,5) таннархдан паст суммада реализация қилинганда бюджетга ҚҚСнинг қўшимча суммасини эса ҚҚС ҳисоб-китобида 1-«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш бўйича оборотлар» илованинг 0103-сатрида кўрсатинг (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Муқобил мажбуриятлар ҳисобга ўтказилишини ҳисобга олганда АВ харидори корхонага ҳеч нарса бериши керак эмас (405 – 400 – 5).



Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

СУВ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛИНГ

? Ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудида сув чиқариб олинган артезиан қудуқлар бор. Қудуқлар корхона балансига киритилган. Ишлаб чиқариш жараёнида сувдан тайёр маҳсулот учун ҳам ашё сифатида фойдаланилади. Чиқариб олинган сув ҳисобга олиш ускуналари (ҳисоблагичлар) бўйича назорат қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган артезиан суви ҳисобда қайси қиймат бўйича акс эттирилади?

– Артезиан қудуқдан чиқариладиган сув, уни чиқариб олиш харажатлари ҳисобга олинмайдиган бўлса, маълум қийматга эга бўлмайди. Сиз уни миқдорий ифодада ҳисобга олишингиз лозим.

Корхона қудуқдан сув чиқариш билан боғлиқ харажатлар қилган. Булар қудуқни бурғулашга руҳсат берувчи ҳужжатларни олиш, унинг эскириши, ишчи ҳолатда тутиб туриш харажатларидир. Мазкур харажатларни умумий қудуқдан чиқарилган сув миқдоридида ишлаб чиқаришда сарфланган сув миқдорининг салмоғидан келиб чиқиб, 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти дебети бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритиш мумкин.



? 2016 йилда корхона қисман ҳақи тўланган импорт шартнома-си бўйича ҳам ашё сотиб олди. 2019 йилда қарздорликнинг қолган қисми бўйича қарздан воз кечиш тўғрисидаги ишончнома тузишга эришилди.

Илгари сотилган товар учун хорижий ҳамкорларнинг қарздан воз кечиши бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

ХОРИЖИЙ ҲАМКОР ҚАРЗДАН ВОЗ КЕЧИШИ

– Етказиб берувчи олдидаги мажбуриятларнинг ҳисобдан чиқарилиши корхонагизга наф, яъни даромад келтиради. Солиққа оид қонун ҳужжатларига биноан мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар бошқа даромадлар жумласига киритилади (Солиқ кодексининг 132-моддаси 16-банди).

Хорижий валютада ифодаланган қарзни импорт шартномасига қўшимча битим кучга кирган санадаги (яъни ТСОЯЭАТга ўзгартиришлар киритилган санадаги) МБ курси бўйича ҳисобдан чиқаришингиз лозим.

Бухгалтерия ҳисобида кредиторлик қарзининг ҳисобдан чиқарили-

ши куйидаги провводкалар билан акс эттирилади:

Дт 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кт 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар».

Кредиторлик қарзини хорижий валютада қайта ҳисоблашдан ҳосил бўлган курс фарқи молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилади ва 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар», 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётларида ҳар ойда ва қарз ҳисобдан чиқарилган даврда акс эттирилади.

БИНО МУАССИСГА ДИВИДЕНД СИФАТИДА БЕРИЛАДИ

? ҚҚСни 20%лик ставкада тўлайдиган жамият иккита муассисга эга (биринчи муассиснинг УФдаги ҳиссаси – 60%, иккинчисиники – 40%). 2018 йилда соф фойда 1,2 млрд сўмни ташкил этди. Муассислар фойданинг бир қисмини тақсимлашни истаб қолишди. Баённомага мувофиқ биринчи муассисга дивиденд сифатида бино берилди: бошлангич нархи – 191,3 млн сўм, эскириши қиймати – 4 млн сўм, қолдиқ қиймати – 187,3 млн сўм.

1. Бино дивиденд сифатида берилганда ҚҚС суммаси қандай ҳисобланади?

2. Бинонинг қолдиқ қийматини ва барча тўланиши лозим бўлган солиқларни қоплаш учун дивидендлар суммаси қандай ҳисобланади?

3. Бинони дивиденд сифатида бериш қандай бухгалтерия провводкалари билан расмийлаштирилади?

1 ҚҚС солиш мақсадида мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш реализация қилиш деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 1-банди).

ҚҚСни ҳисоблаш учун асосий воситаларни реализация қилиш чоғида солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, бироқ уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан кам бўлмаган, қўшилган қиймат солиғи киритилмаган ҳолда аниқланади (Солиқ кодексининг 204-моддаси 8-қисми).

2 Дивиденд беришда тўланиши лозим бўлган солиқларни қоплайдиган дивидендлар суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун ҚҚС ҳисобланишини ва дивидендлардан фойда солиғи ушлаб қолинишини ҳисобга олиш лозим.

Сизнинг ҳолатда маълумотларга кўра куйидагилар ҳисобга олинади:

- ҳисобланган ҚҚС суммаси – 37,46 млн сўм (187,3 x 20%);
- дивидендларни тўлашда фойда солиғи суммаси. Дивидендлар олинганда тўлов манбаида 5%лик ставка бўйича солиқ ушлаб қолинади (Солиқ кодексининг 159-1-моддаси). Бинонинг қолдиқ қиймати суммаси ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда дивидендлар суммасининг 95%ини ташкил қилади.

Жами: дивидендлар сифатида қолдиқ қиймати бўйича бино берилган муассисга 236,59 млн сўм ((187,3 + 187,3 x 20%) / 95 x 100) миқдорда дивидендлар ҳисобланиши лозим. Айнан ушбу сумма ҳисобланган ҚҚС ва дивидендларни тўлашда ушлаб қолинган фойда солиғини ўз ичига олади.

3 Бинони дивиденд сифатида бериш чоғида бухгалтерия провводкалари куйидагича бўлади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
Муассислар баённомасига асосан биринчи муассисга дивидендлар ҳисобланди	8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	236,59 млн сўм
Дивидендлардан солиқ ушлаб қолинди ва бюджетга ўтказилди	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (дивидендлардан солиқ)»	11,83 млн сўм
	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (дивидендлардан солиқ)»	5110-«Хисоб-китоб счёти»	11,83 млн сўм
Ҳисобварақ-фактурага мувофиқ бино берилди: бошлангич қиймат ҳисобдан чиқарилди	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»	191,3 млн сўм
ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	0220-«Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	4 млн сўм
ҳисобланган қайта баҳолаш ҳисобдан чиқарилди	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	Маълумотлар мавжуд эмас
ҚҚС ҳисобланди	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»	37,46 млн сўм
Харидорга (муассисга) АВни реализация қилиш (бериш) суммаси	4010-«Харидорлар ва бузуртмачилардан олинган счётлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	224,76 млн сўм
АВ чиқиб кетишдан молиявий нагжа акс эттирилди: фойда	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишдан фойда»	Мазкур ҳолатда фойда қайта баҳолаш суммасига тенг бўлади (қайта баҳолаш ўтказилган бўлса)
Муқобил бир турдаги мажбуриятлар ўзаро ҳисобга киритилиши акс эттирилди	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	4010-«Харидорлар ва бузуртмачилардан олинган счётлар»	224,76 млн сўм

Оғохлантириш. Ҳисобланган эскириш миқдорига қараганда, муассисга бир йилдан кам фойдаланилган янги бинони бериш. Ўз фаолиятида асосий восита сифатида фойдаланиш учун эмас, балки атайин муассисга бериш учун бино сотиб олинган (қурилган) бўлса, тузган битимингиз қалбаки дея эътироф этилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларидаги куйидаги қоидалардан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкин:

- корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса, асосий воситалар актив сифатида тан олинади (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон ВХМСнинг 6-банди «а» кичик банди);
- битим бошқа битимни никоблаш мақсадида тузилган бўлса (қалбаки битим), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади (ФКнинг 124-моддаси).

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

2 000 АҚШ ДОЛЛАРИГАЧА – ЁЗМА ДЕКЛАРАЦИЯСИЗ

? Мен Ўзбекистонда доимий пропискага эга бўлган Қирғизистон фуқаросиман. Яшаш гувоҳнома бор. Акамнинг олдига Қозонга меҳмонга бормоқчиман. Илгари яшаш гувоҳномаси билан 2 минг АҚШ долларини олиб чиқиш мумкин эди. Айтишларича, ҳозирги кунда валютани олиб кириш-олиб чиқиш қондалари ўзгарган эмис. Шундайми? Шу билан бирга Россияга меваларни олиб чиқиш хусусида билмоқчи эдим. Эшитишимга кўра, меҳмондорчилик сифатида олиб чиқиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми яқинда ўзгарган эмис.

А. Сибгатулина.

– Жисмоний шахсларга Ўзбекистоннинг ташқарисига нақд хорижий валютани эркин олиб чиқиш эквиваленти 5 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдорда рухсат этилади. Бунда божхона назорати қондаларига сўзсиз риоя қилиш лозимдир.

Сиз олиб чиқаётган валюта 2 000 АҚШ долларидан ошган тақдирда, у божхона назоратидан ўтказилади – унга декларация тўлдириш ва божхона органи ходимга тақдим этиш керак бўлади. Бунда йўловчи божхона декларациясида олиб чиқиш кетилаётган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади.

Белгиланган суммадан ортиқча маблағни олиб чиқиш кетиш:

- резидентлар томонидан – ЎзР Марказий банкининг рухсатномаси асосида амалга оширилади, ушбу рухсатномада олиб чиқиш кетилаётган жами суммаси кўрсатилади;

- норезидентлар томонидан – мамлакатимизга кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси асосида амалга оширилади, олиб чиқиш кетилаётган нақд хорижий валюта суммасидан кам бўлмаган миқдорда.

Эквиваленти 5 000 АҚШ долларидан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатни бошқа шахсларга бериш қатъий тақиқланади.


Резидентлар Марказий банкининг рухсатномасини ва норезидентлар Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларациясини фақат бир мартаба ишлата олади. Мазкур ҳужжатлардан келгусида кўрсатилган суммадаги нақд хорижий валютани олиб чиқиш кетиш учун асос сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди (Қондалар, ВМнинг 30.01.2018 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Россияга мева олиб чиқиш

Россияда 5 кг дан ортиқ ҳажмдаги мева ва сабзавотларни олиб кираётганда фитосанитария сертификатини расмийлаштириш талаб қилинадиган нормалар амал қилаётганига бир неча йил бўлди.

Яқинда Россельхознадзорнинг ҳуқуқий ахборот расмий интернет-порталида Россия Федерацияси ҳукуматининг қарори эълон қилинди. Унга кўра, Россия чегараси орқали ўтказиш пунктларида давлат карантин фитосанитария назоратини амалга ошириш қондаларига ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилди. Ҳужжат 19 августда кучга кириди. Қарор лойиҳасига тушунтириш хатида қайд этилишича, ҳужжатдан қўзланган мақсад – РФ чегараси орқали муайян ўтказиш пунктларида карантин фитосанитария назоратини амалга ошириш бўйича божхона органларига ваколатлар бериш, шунингдек, назоратни мақбуллаштириш ва уни ўтказишни содда-лаштиришдан иборат.

Лекин истеъмолчилар, оддий фуқаролар учун ўсимлик маҳсулотларини олиб ўтиш қондаларида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади. Олдингидек 5 кг дан ортиқ бўлмаган мева ва сабзавотларни ҳужжатларсиз олиб кирса бўлаверади.



? Қандай вазиятларда товар чиқариб юборилганидан кейин божхона тўловларига тузатишлар киритиш мумкин бўлади? Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммасини нотўғри деб ҳисобласак, уларни тўламаса ҳам бўлаверадими? Бу масалалар қайси ҳужжат билан тартибга солинади?

Мария А., МЧЖ бош бухгалтер.

ТОВАР ЧИҚАРИЛГАНДАН КЕЙИН ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАШГА ҚАНДАЙ ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛАДИ

– Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш божхона расмийлаштируви вақтида бўлгани каби товар чиқариб юборилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин (БКнинг 320-моддаси).

Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш шакли, шунингдек уни тўлдириш тартиби Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритишни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 14.03.2017 йилда 2867-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланади.

Товар чиқариб юборилганидан кейин унинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига қуйидаги ҳолларда тузатишлар киритилади, агар:

- шартли чиқариб юборилган товарга нисбатан унинг узил-кесил божхона қиймати декларантнинг ёки божхона брокерининг қўшимча ахбороти асосида аниқланса ёхуд декларант ёки божхона брокери Божхона кодексининг 321-моддасига мувофиқ божхона органи томонидан аниқланган божхона қийматини қабул қилса;

- товарни декларациялашда содир этилган, товарнинг божхона қийматининг ва (ёки) божхона тўловларининг миқдорига таъсир кўрсатган техник хатолар аниқланган бўлса;

- ҳужжатларнинг кейинги текшируви пайтида товарнинг божхона

қийматига ва (ёки) божхона тўловларининг миқдорига таъсир кўрсатган нотўғри декларациялаш аниқланган бўлса;

- маълум қилинган божхона қийматининг божхона ҳудудига олиб кирилган ёки ушбу ҳудуддан олиб чиқилган товарнинг миқдори ва (ёки) сифати контракт (шартнома, келишув) шартларидан четга чиқishi туфайли товарнинг ҳақиқий қийматига мос эмаслиги божхона декларациясини қабул қилиш санасида аниқланган бўлса. Божхона кўздан кечируви далолатномаси, шунингдек контракт (шартнома, келишув) тарафлари ўртасида келишилган, божхона тўловлари ундирилмайдиган товар бўйича – товарнинг миқдорига оид эътироз ёки божхона тўловларига ундирилмайдиган товарлар бўйича – экспертиза хулосаси товарнинг мос эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади;

- божхона тўловларининг суммалари қайтарилишига ёки қўшимча тўланишига олиб келадиган ёки товарнинг божхона қиймати миқдорига таъсир кўрсатган бошқа асослар юзага келган бўлса (Йўриқноманинг 11-банди).

Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш учун декларант ёки божхона брокери божхона органига божхона декларациясининг ажралмас қисми бўлган, маълумотларига тузатишлар киритилмайдиган тузатишлар киритиш шаклини тақдим этади (Йўриқноманинг 14-банди).

Тузатиш устидан шикоят қилиш мумкин

Агар декларант ёки божхона брокери божхона органининг тузатишларига рози бўлмаса, у божхона органи томонидан қайта ҳисоб-китоб қилинган товарларнинг божхона қиймати ёки божхона тўловлари кўрсатилган шаклини имзоламасликка ҳақли. Бу ҳолларда у товарнинг тузатишлар киритиш сабабларини тушунтириб беришни божхона органидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Лекин декларант ёки божхона брокери томонидан божхона органига сўров юборилиши декларантнинг ёки божхона брокерининг божхона тўловларини тўлашдан овоз этмайди (Йўриқноманинг 15-банди).

Божхона расмийлаштируви учун ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин божхона органи томонидан тузатишлар киритилиши устидан бел-

гиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин (Йўриқноманинг 16-банди).

Агар тузатишлар киритиш божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликнинг пайдо бўлишига олиб келган бўлса, уни тўлаш бўйича мажбурият бажарилмаган ҳар бир календар кун учун божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик суммасининг 0,033 фоизи миқдорда пеня ҳисобланади.

Пенянинг умумий суммаси божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликнинг миқдоридан ошмаслиги керак (БКнинг 349-моддаси; Йўриқноманинг 12-банди).



«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

ҚҚС СТАВКАСИ ПАСАЙТИРИЛИШИДАН КИМ ЮТАДИ

Кейинги вақтларда ҚҚС бўйича имтиёزلарни бекор қилиш ва унинг ставкасини пасайтириш масалалари тез-тез муҳокама қилинмоқда. Фикр-мулоҳазалар кўп. Айримлар солиқ ставкасини 6–7% гача пасайтиришни таклиф қилмоқда. Бошқалар – 12% гача. Учинчилар фойда солигини оширишни таклиф қилишмоқда. ЖШДС ставкалари бўйича ҳам таклифлар оз эмас. Тахририятнинг илтимосига кўра ушбу таклифларни молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ шарҳлашга розилик билдирди.

– Кўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш ёки имтиёزلарни тақдим этиш аҳоли ва бизнес учун фойдали деган фикр кенг тарқалган. Бу фикрдан келиб чиқилса, ҚҚС тўлашдан озод этиш ёки ставканинг пасайтирилиши куйидагиларга олиб келиши керак:

- 1) имтиёз берилган товарлар нархининг тушиши, бу даромад даражаси паст бўлган аҳоли қатламлари учун фойдали бўлади;
- 2) жамият нуқтаи назаридан «фойдали» бўлган товар ва хизматларнинг истеъмоли рағбатлантирилади;
- 3) товарлар сотуви ҳажми, айниқса кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларда савдо ҳажми ошади, пировардида мазкур товарларни ишлаб чиқарувчи тармоқларда банд бўлганларнинг сони ошади.

Бундай стереотип имтиёزلарни қўллаш ёки ҚҚС ставкасини пасайтириш ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларни нархларни туширишга илҳомлантиради, деган таҳминга асосланади. Лекин бу таҳмин бозорнинг асосий қонунини ҳисобга олмайди – товарнинг нархи солиқларнинг ҳажмидан эмас, балки талаб ва таклифнинг нисбатидан келиб чиқиб белгиланади.

Истеъмол нархлари мутлақ ҚҚС ставкасига боғлиқ эмаслигини халқаро тажриба ҳам кўрсатмоқда. Хусусан, ХВЖнинг 2000 йиллар бошида Европа Иттифоқи мамлакатларида ўтказган уч йиллик тадқиқоти натижаларини олайлик. Тадқиқот деярли барча тармоқларни, Франция, Швеция ва Финляндиядаги умумий оқватлашни хизмати соҳасидан тортиб, Португалиядаги спорт клубларини қамраб олди. Мазкур тармоқларнинг айримларида ҚҚС 15%лик банддан ҳам кўпроқ туширилди. Натижада Европа комиссияси ҚҚС ставкасининг туширилиши кўп ҳолларда нархлар қисқаришига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганлиги борасидаги хулосага келди. Бизнес, нархларни тўловга қобилиятли талабдан келиб чиқиб шакллантирар экан, уларни эски даражасида сақлаб қолди ва янада кўпроқ фойда келтирувчи ҳолга келди.

Нархларнинг ҳар ҳолда қисқа муддатли пасайиши кузатилган соҳаларда ҳам улар йил давомида яна ўз даражасига қайтди. Яъни ҚҚС пасайтирилишидан фуқаролар ҳеч нарса ютмайди – улар сотиб олаётган товарлар ёки хизматларнинг нархи илгариги даражасига чиқиб олади.

ҚҚС пасайтирилишидан «ҚҚС занжири»нинг охирида турган ва товарларни охирига истеъмоличига сотадиган бизнес ютади. Европа мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар чакана сотувчиларнинг фойдаси солиқ ставкасининг пасайишига

мутаносиб ўсиб борганлигини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам бизнес ўзини шу тарзда тутмоқда. Аксарият ритейлерлар ҳисоб-китоблар билан шуғулланмайди – нархларни сақлаб қолишади ва шунчаки фойдани ошириб қўйишади. ҚҚС ставкасини пасайтирилиши ҳисобидан кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаб бўлмайди...

Тадқиқотлар яна бир қизиқарли далилни таниқлади: ҚҚС бўйича имтиёزلардан юқори даромадга эга бўлган шахслар камроқ даромадга эга бўлганларга нисбатан кўпроқ ютар экан. Сабаби улар ҳам кўпроқ истеъмол қилишади, ҳам улар истеъмол қиладиган маҳсулотнинг қиймати юқорироқдир. Тегишли равишда, билвосита солиқлар пасайтирилганда айнан юқори даромадга эга бўлган шахслар энг кўп иқтисод қиладилар.

Масалан, пуллик соғлиқни сақлаш хизматлари ҚҚСдан озод этилган. Шунинг ортидан ёлғиз пенсионер аёл маблағини иқтисод қила олади, деб бўлармиди, ахир унинг хусусий тиббий марказга бориб даволаниши эҳтимолдан анча йироқ-ку. Ёки давлат поликлиникасининг бепул тиббий хизматларидан фойдаланаётган кўп болали аёлни олайлик. Охир-оқибатда хусусий тиббиётнинг ўзига тўқ мижозлари маблағларини иқтисод қилиш имкониятига эга бўладилар, чунки улар шундоғам мазкур хизматларга ҳақ тўлашга тайёр эдилар. Имтиёзлар даромади ўртача даражадан юқори бўлганлар учун кўпроқ фойдали эканлиги ана шундандир.

ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши давлат бюджетни даромадларининг кескин камайишига олиб келиши ҳам аҳамиятли масала, сабаби мазкур солиқ бюджетнинг учдан бир қисмидан кўпни ташкил этади. Айнан шу маблағлар ҳисобидан, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа давлат муассасалари молиялаштирилади.

Бинобарин, кўпгина мамлакатлар бошқача йўл туттишади: ҚҚС ставкасини пасайтиришмайди, балки бюджет даромадини бир қисmini аҳолининг кам таъминланган қатламини мақсадли қўллаб-қувватлашга йўналтиради. Кам таъминланган фуқароларни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий нафақалар ёки бошқа мақсадли тўловлар ҚҚС бўйича имтиёزلардан кўра самаралироқ ўринга эга.

2019 йилгача Ўзбекистонда энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридagi солиқ солинмайдиган энг кам миқдор билан ЖШДСнинг 4 погоналик шкаласи амалда бўлган. Ҳозирда 12% миқдоридa унинг ягона (текис) ставкаси амал қилмоқда. Солиқ солинмайдиган энг кам миқдорнинг киритилиши текис шкаланинг моҳиятини бузди, сабаби солиққа прогрессивлик элементини қўшади. Унинг моҳияти эса даромадининг даражасидан қатъи назар, айнан барча солиқ тўловчилар, даромад суммасидан бир хил фойза тўлаши лозимлигидадир. Шунда солиқ юки барчага бир хил тушади.



Ҳозирда биз ҚҚСнинг бизнес учун нейтраллигини таъминлаш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу эса уни ҳисобга киритиш, шунингдек, ҳисобга киритилган сумманинг ҳисобланган ҚҚС суммасидан ошган суммасини қайтариш имкониятига боғлиқдир. Бугунги кунда кўчмас мулк объектлари бўйича ҳисобга киритиш 36 ой мобайнида амалга оширилиши мумкин. Яъни бинони ҚҚС билан харид қилар экан, инвестор оборотдаги маблағларини узок муддатга музлатиб қўяди.

ҚҚС ставкасини пасайтирилганда фойда солигини ошириш гоёсига келсак, бу инвесторларга ёқмайди деб ўйламайман. Инвесторларни лойиҳа қачон ўзини оқлаши ва улар фойдалан қанча тўлашлари кераклиги қизиқтиради. Шунинг учун аксарият мамлакатларда инвестицияларни жалб этиш мақсадида фойда солиғи ставкасини пасайтиришади.

Муҳокама қилинаётган яна бир таклиф – жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинмайдиган энг кам миқдорни киритиш. У солиқ солишнинг прогрессив шкаласида киритилди. Масалан, Францияда 2015 йилда солиқ солинмайдиган энг кам миқдор солиқ солишнинг прогрессив ставкаси 5,5 дан 75% бўлганда йилга 6 011 еврони ташкил этган. Буюк Британияда – солиқ солинмайдиган энг кам миқдор 2015 йил учун 2 790 фунт стерлингни ташкил этган, солиқ ставкалари эса 20, 40 ва 45% миқдорда ўрнатилган. Солиқ солишнинг бундай тизими Австралия, Австрия, Албания, Озарбайжон, Бельгия, Германия, Греция, Кипр, Финляндия, Швейцария ва бошқа кўп мамлакатларда қўлланилади.

**СОЛИҚ ҲАМ
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ**

Молиявий-иқтисодий,
ахборот-ҳуқуқий газети

ТАЪСИСЧИ
«Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Рўйхатдан ўттиш тартиб рақами 0040.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНОВ**

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
**Надир Носирович
АЛИМОВ**

Адабий муҳаррир
**Зулфия Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Тахририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўроғ бичими – А3. Ҳажми – 4 бома табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буортма г-815. Адади 795. Газета 2019 йил 2 август соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.